



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 апрель, жума, 1996 йил Сوتувда эркин нархда. № 67 (1320)

Ислохот оидмлари

МАХАЛЛИЙ САНОАТ ЮКСАЛИШ ОСТОНАСИДА

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўзи талаб олган тараққиёт йўлидан дадил олга бораётган бугунги кунда республикамиз иқтисодиёти барқарор ривожланиш сари қадам ташламоқда.

Маълумки, саноат ҳар бир мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутadi. У нақадар хилма-хил ва ривожланган бўлса, иқтисодиёт ҳам шунча бақувват бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шу босиқ кунларда асосан «хонашар» бўлган мамлакатимизда саноатнинг барча соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йўналишдаги сай-ҳаракатлар буюк ўз натижаларини бераётгани кўзгачидир.

Азгидек хунарманчиликнинг деярли барча турлари ривожланган Ўзбекистонда маҳаллий саноатнинг ҳам иқтисодиётда салмоқли ўрни бор. Айни пайтда 80 минг киши меҳнат қилаётган маъмурият соҳада иқтисодий ислохотлар қандай кечипти? Бу саволга биз Андижон вилояти маҳаллий саноати мисолида жавоб изладдик. Утган йили Ўзбекистон Маҳаллий саноат давлат корпорацияси Андижон савдо-саноат концерни корхоналаридан маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича ўзини суръати ҳам, тайёр маҳсулотлардан олинган даромад ҳам дуруст бўлди. Концерн бўйича 307 миллион 260 минг сўмлик халқ, истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилиб, река 143,1 фоз баҳарилди. 92 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришига эришилди. Шунингдек, маҳсулот экспорт киши борасиданги ютуқлар ҳам ёмон бўлди — экспорт молларининг миқдори илк бор импорт ҳажидан ортди.

Маҳаллий саноатга хос жиҳат шундаки, у хомашё импортига катта эҳтиёж сезмай, асосан, ички иқтисоддан фойдаланади. Биргина Олтинқўй туманидаги «Хунарман» ҳиссадорлик жамиятининг ўзида маҳаллий хом ашёдан 35—40 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши тўғрисида маълум.

Концерн корхоналаридан айрилари ўз акцияларини чиқаришга ҳам улгурди. Албатта, «айрилари» деганимизда фойдаланиши ҳисобга олмас, бу борада эришилган ютуқлар ёмон эмаслиги аён бўлди. Акцияларнинг энг кўп қисми «Ойим» кишлоқдаги «Бунёд» акционерлик жамияти ҳиссасига тўғри келди. Кишлоқда бундай тадбир амалга оширилганини ўзи катта ўнмақ уйғотди.

Даволатлик маҳаллийликда қишлоқда саноатни ривожлантириш, инфраструктурани шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни камайтиришда қишлоқда саноат корхоналарини қўйиштириш муҳим аҳамиятга эга.

Концернда бу борада ҳам талай тадбирлар амалга оширилди.

Утган йили Андижон шаҳридаги маъмурият қанчалар «Хумо» жамияти Пахтабод туманининг «Маданият» кишлоқда тикви



Сайхунбод туманидаги Оқолтин дон маҳсулотлари корхонасида қопларни таъмирлаш цехи ишга туширилади. Ҳозир бу ерда қўлаб хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг сай-ҳаракати билан бир кеча-кундузда 4-4,5 минг та қоп қайта таъмирланиб, корхона эҳтиёжи учун етказиб берилаяпти.

ҲОКИМЛАР ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Нукусда туман ва шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, уюшмалар, ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлди.

Унда иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорини Кенгеси Раиси У. Аширбеков бошқарди.

Тўғри, ҳиссадорлик жамиятининг бу муаммони яқин ўзи бартараф этиши қийин. Республика Маҳаллий саноат давлат корпорацияси ҳамда Андижон вилоят ҳокимлиги ушбу масалани ижобий ҳал этишда кўмак бермас, олти юзга яқин иш жойи бўлиб тураверади.

Сангин ЖАВБОРОВ, ЎЗА махсус мухбири, Андижон вилояти

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтдаги «Ўзгестомарказ»да «Соғлиқни сақлаш-96» доридорлар ва тиббий асбоблар халқаро кўргазмаси ниҳоясига етди.

Кўргазма муваффақиятли бўлди. Турт кун ичида уни юзлаб тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонлари томоша қилди. Кўргазмани Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, «Тибмаҳсулот» бirlашмаси ва «Ай-Ти-И» халқаро савдо-кўргазма компанияси ташкил қилган эди.

Кўргазмада дунёдаги 20 мамлакатдан 130 дан орტიқ фирма қатнашти. Бу фирмаларнинг маҳсулотлари намоиш қилинган кунларда мамлакатимизга турли доридорлар ва тиббий асбоблар етказиб бериш тўғрисида бир қанча шартнома ва битимлар имзоланди.

(ЎЗА).

ОЛТИН БУ ВОДИЙЛАР — ЖОН ЎЗБЕКISTON! Воқеалар, хабарлар, фактлар

СОДА ЗАВОДИ: ЦЕХЛАР ЯНА ЖОНЛАНДИ

Марказий Осиёдаги энг йирик Қўнғирот сода заводининг қурилиши бошланганлиги Қорақалпоғистондаги бир неча ўнаб корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий аҳволининг ўнганлишига нафақат билвосита, балки бевосита таъсир қилди.

Хусусан, Нукус қишлоқ қурилиши тузилмалари мажмуи яқиндагина ўз маҳсулотларига харидор, ишлаб чиқаришни жонлантиришга эса маблағ топа олмасдан қийин бир аҳволга тушиб қолган эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, мажмуа раҳбарияти ўз ишчи ва хизматчиларининг иш вақтини эллиқ фонизга қисқартиришга мажбур бўлди.

Лекин сода заводи қурилиши бошланганлиги ҳамон аҳвол кескин ўзгарди. Мажмуа ушбу йирик қурилишдан ўзини деярли йил давомида иш билан таъминлай оладиган катта миқдордаги буюртмани қабул қилди. Мажмуанинг деярли қимсасиз қолган цехлари яна жонланди.

ПАРИЖДАГИ КЎРГАЗМАГА ТУҲФА

Кўқонликлар Омонжон Умаровни халқ хунарманчиликнинг моҳир намояندаси сифатида яқин билишмоқда. Унинг қўлаб чилангарлиқ ашёлари қатор кўргазмаларда муносиб намоиш этилган.

Айни кунларда халқ устаси Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан Парижда ўтказиладиган кўргазмага қатор буюртмалар тайёрланди. Улар орасида ўрта асрга оид қилич, найза, ханжарлар алоҳида ўрин тутди. Бу ашёларнинг дастаси табиий мутуз — шохлардан тайёрланди.

ҲОЗИРЧА 10 ТОННА, АММО СЎНГ 6 БАРАВАРГА ОШАДИ


«Шўртанга»да олтингурут ишлаб чиқарадиган қурилма ишга туширилди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари-газни қайта ишлаш саноатида ўхшашли йўқ ушбу қурилма ёрдамида ҳар кун 7 минг кубометр газдан 10 тонна олтингурут олинапти. У тўлиқ қувват билан ишлаш бошлагач, ушбу кўрсаткич олти бараварга ошади.

ЧАВАНДОЗЛАР МАКТАБИ

Термиз шаҳри яқинидаги Сурхондарё вилоят отқоплари базасида от спорти бўйича болалар ва ўсмирлар мактаби очилди.

Ҳозирдаёқ 35 нафар ёш чавандоз машғулотларга жалб этилди. Уларга таниқли спорт устаси, республика мусобақалари ғолиби В. Гегалин бошчилик қилмоқда.



Ўтирилган кўзгу нарчалари

Акс-садо

Россия Давлат Думаси ўзича қорал қилиб, собиқ СССРни қайта тиклаш йўлида уриниш бошлабди. Бундай қарор собиқ Иттифокқа азво бўлган, ҳозирда эса мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйган ҳамма халқлар тақдирига дахлдор. Лекин, бундан қарангки, Дума у халқлар билан на маслаҳат қилди, на уларнинг розилигини сўради. Яна ўша эски ҳақдон, эски тос — Россия сийбачилари ҳақдон. ўзларини «улуг ога» деб билишар сўқалди, бу қарорлари билан бошқа халқларга Валенсияга қиялғиз, деб ўйлаётганга ўхшайди.

Думанинг қарори ҳақидаги гагини эшитишим биланқўз Ўзбекистоннинг СССР «кучи»да кечирган ҳаётини йўлга кетди. Ҳа, етти йил мобайнида Ўзбекистон мубайи ривожланиш йўлини босиб ўтди, лекин у ана шу етти йил давомида мутасоли жар солганиб келингандай «социализм» Шарқдаги машалли бўлиб қолгани йўқ. Узингиз қиёс қилинг, мустақиллик йўлидан борган, ўз тақдирига ўзи хўжайинлик қилган Германия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа ўнаб мамлакатлар қисқа муддатларда дунёнинг энг тараққиёт этган, фаровон ҳаёт кечирувчи гушларига айланди. Ўзбекистон эса талай табиий бойликларига қарамай, хомашё базаси бўлиб қолаверди. Халқ ҳаёти эса етти йил мобайнида мислсиз зулмга, даҳшатли ҳўрликларга тўла бўлди, унинг бошқа турли туман тақдирлар, катта-кичик фожиялар зулмасига ёғилиб турди. Мана, ўзингиз кўринг: фуқаролар уруши йилларида «Кўкун мухторияти»га қарши кураш баҳонасида, кейинчалик «Османчилик»ни кўриштириш остида миллионлаб одамлар қириб ташланди 20 йилларда юзлаб зинларлар қамқоқ олинди, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида яна неча юз минглаб беғуноқ одамларнинг ёстиги қуритилди, 30-йилларда неча ўзбек каттагон қиллинди. Сибир ўрмонларида, шимол тупроқларида қанча ўзбекистон суқарили чиргани халқ-хануз ҳисоблаб қилганини йўқ. Уруш йилларидаги қиролар ақл бовар қилмайдиган даражада бўлди. Урушдан кейин яна қатдор, яна ҳамма-қамма, яна кулардек мезгил аэоб... «Ўзбек иш» бу шарафсизликлар ва хўрликлар сипилмасиданги сўнгги халқ бўлди. Яна ҳам халқнинг бардошига қўйил қилиш керак — шунча фожиялар кўюнидан, шунча мислсиз азоб-ўқубатлар гурдобидан омон чиқди, катта талофлар билан қалби мажруулаиб чиқди... Ҳўш, энди яна ўша асоратларга қайтмоғимиз керакми? Яна бўйинбизни оғир бўйин-

Шўро замонида миллий сийбат бобида халқларни бир-бирига қарши қўйиш, бирини «ога» деб, иккинчисини «қора» деб камситиш расмий сийбат даражасига кўтарилган эди.

Шўролар замонидаги бундай миллий сийбат тасодифан тўғилган эмас — у чуқур тарихий илдизларга эга бўлиб, Россиянинг империалистик табиати билан боғлиқ. Пётр Биринчи замоналарида бошланғиқ кўчма сийбатчилар Россиянинг «улуг» давлат эканлига эътибор қилганлар ва теварак-атрофдаги бошқа халқларни ўз тасаруфларига олишга ўзларини ҳақли, деб билганлар. Энг ачинарлиси шундаки империалистик ҳўро-хавасларни баъзи бир атоқли адиблар, санъат арбоблари ҳам қўлаб-қувватлаган ва шу билан шовинизмнинг кенг ёйилишига хизмат қилган. Масафасатани тарғиб қилган. Бошқа бир таниқли санъаткор Бельешичани ўз Туркестонига Сибий олинди ишторқ этар экан, қундалиқларида маҳаллий халққа ошқора нафрат билан қалам тебратди ва гўдақларни шаҳсан ўзи найзага ялганни хўзувланиб тасвирлайди. Афросиқ, бу иллат бугунги зинларларда ҳам буткул йўқолиб қатгани йўқ. Бундан бир неча йил аввал Москвалик публицистлардан бири — Черныченко Россиядан Ўзбекистонга юборилган терговчилар дасантини «булар Ўзбекистонга вандон олинб боришида» деб таърифлаган эди. Демак, қаламни ўқир, қишлоқ хўжалиги муаммоларини яқин билган уларни жасорат билан кўтариб чиққан бу публицист ўзбекларни елпанга порлаҳур, ўғри, виждонсиз деб билар.

Бугун собиқ Иттифокни тиклашга уринаётган жаноблардан сўрагим келади — ахир хали баданамиздан қишлоқларнинг доғи буткул кетгани йўқ, хали чеккан аламларимизнинг дуду бутунлай тарқамай туриб, яна ўша ҳақоратлар дунёсига қирайликми? Шунча қўрган зулмлар, шунча чеккан фожиялар кам эдимми? Йўқ, жаноблар, овора бўласиз! Биз мустақилликка энди эришдик. Қўлаб фидойиларнинг, асл халқ фарандозларининг озоқлик ҳақидаги орзулари эндигина ушла бошлади.

Ўта оғсар, ўта лақма одамгина арқинликдан воз кечиши, яна ўзини бўйинтуруққа тутиб бериши мумкин. Халқимизнинг доно гапи бор: «қориниқ эмас, қадрига йилғайман!» Ўткинчи қийинчиликлар тўғрисида бугунги энг улғу неъматдан — мустақилликдан, озоқликдан воз кечиши керак эмас! Ўз юртинга ўзинг хўжайин бўлсанг, ўз уйингга ўнаб тулаш бўлса, бунга нима етсин! Озод ватанингиз одам ватани десга ярашади.

Иттифокпараст сийбатбозлар «Биз тузмақчи бўлган иттифок сизларнинг мустақиллигинизга даҳл қилмайди, ҳамма тенг ҳўқуқли бўлади, кўрқмасдан бемалол қираверинглар», деб чалғитишга ҳаракат қилишпти. Шўролар замонида ҳам бундай вандаларни кўп эшитганмиз. Бугунги «интеграция»нинг тағида сийбат сийбатлар етганини, бу яқин оқибатга олиб келмаслигини, мустақилликдан, озоқликдан ажраб қолқи ҳеч гап эмаслигини Бельешичани ҳам яқин тушунишпти — Беларусь ҳўкумати-нинг қаршилигига қарамай, Минскда анча-мунча одам «иттифок»га қарши орозлик билдириб намойишлар ўтказмоқда. Ахир тўғри-да, бир марта кафедадан чиқиб, озоқлик шарафидан бақрамид бўлган одам яна ўзини қайтадан қанфасга урадимми? Кишан олтиндан всалган бўлса ҳам барибир — кишан! Буюк шовинизм Чўлпоннинг хўйидаги мисраларни худди шу бугун эзилган хитобга ўхшайди!

Кишан қийма, бўйин эгмай! Ки, сен ҳам хўр туғилгансан! Озод ШАРАФИДИНОВ, профессор (ЎЗА).



Ўтирилган кўзгу нарчалари

Акс-садо

ОЛТИН ДАН БЎЛАСА ҲАМ КИШАН — КИШАН — ДА

турмуҳа тўтиб беришимиз лозимми? Ҳа, собиқ шўролар днёрда қоғозда ҳамма нарса «жойида» эди — ҳамма халқлар тенг ҳўқуқли деб эълон қилинганди, ҳар бир халқнинг миллий ўнага ҳосилли «қадрларни», умуммаданий хазинага қўшадиган ёки қўшаган ҳиссаси бе-қийёс, деб жар соли-нарда. Лекин амалда-чи? Амалда «у» н л а й бошқа ақво-л эди-ку. Хар қадамда, ҳар ишда улуг давлатчилик шовинизми ҳўкмон бўл-ди, ўзга халқларга, шу жумладан ўзбекларга паст назар билан қараларди.

Улар маданиятсиз, қобилиятсиз, бирон ишини ишониб топшириб бўлмайдиган, ақл-заковат бобида анча паст пороналарда турарди. Етанда иқтида тоқим йингил билан бирга турарди. Улар рус тилидан нўноқор экан. Шунинг учун уларга бир ўқитувчи аёлини бериштириб қўйишди. Бу аёл Москва университетини яқинда тугатган, очик қўнғил, қўноқ-қина жуван эди. Бир кун кечки оқтинги бизнида бирга қолдик. Ҳаммаимиз турғуллашиб ўтиқиб, нима бўлди-ю, мен гап орасида «эстетика» деган сўзини ишлатдим.

Оғзимдан шу сўз чиққини билан ўқитувчи жуван бирдан лол қолди, кўзлари чачқайди, бир зулмлик сукутдан сўнг чуқур тааж-жўб ичнда сўради: «нича дединг? «Эстетика» дедингми? Сен

эстетикани биласанми?» Унинг саволини эшитиб, бу гап мен пол бўлиб қолдим. Бунин қарангки, Москвалик оқ ўртасида исти-комат қилувчи олий маълумот-ли, эълиб, маданиятли, ўқимши-ли бу аёл ўрта осеңликларни «ас-тетика»дан беҳабар оми одам-лар деб ҳисоблар экан.

Бу гапларни унутмаёган эдим, аммо орадан кўп ўтмай яна бир воқеа рўй берди. Буниси энди аввалгидан ўн чанлон ўтиб тушди. Лекин Бать деган «ўзучини»-да ўн-тўрт ўзбек оқи қилди-ган бўлди. Бать бу ошга 15-20 чоғлик Москва «ўзучиларини» ҳам тақриф қилибди. Уларнинг ора-сида қўзга қўринганлари ҳам бор эди. Фарғ адабиётидан танил-ган мутахассис, Тошкентда ҳам истискомат қилган, Ойбек ҳақида мақолалар ёзган Дейч меҳмон-ларнинг қўнғилини олиш мақса-дида гап қотди-Кани, ким айта-ди — Оврупо адабиётини «ўз-бек» сўзини биринчи марта ким қўлаган? Дейч саволини охи-рига етказмасдан жавоб бердим: «Монтовски». «Форе маътувлари» Афтидан, Дейч ҳам ўша давра-даги биронта ўзбекининг бу сав-олга жавоб беришини халёига келтирмаган эди. У ханг-манг бў-либ қолди, чўки бу воқеа унинг осеңлик одам ҳақидаги тасавву-рига мутлақо энг эди-да...

Кейинчалик мен ўзбекини кам-ситадиган, қадрини ерга уради-ган, маданиятини менсимайди-

ган муаммолани нашириётларда, тахририятларда, илмий доира-ларда, расмий идораларда ва хатто оддий одамлар орасида ҳам кўп кўрдим. Нашириёт ва та-хририятларда кўпгина ўзбек «ўзучиларига» яқин билан қара-шар, «бу ўзи «ўзучи» эмас-у, бу шўрликча ердан бериб хобора-

лан, бугун дунёга даҳо санъат-кор сифатида танилган Достоев-ский ўз қундалиқларида Россия-нинг Ўрта Осиё халқларига ма-даният олиб қиради», — деган савфасатани тарғиб қилган. Бош-қа бир таниқли санъаткор Бельешичани ўз Туркестонига Си-бий олинди ишторқ этар экан, қундалиқларида маҳаллий халқ-қа ошқора нафрат билан қалам тебратди ва гўдақларни шаҳсан ўзи найзага ялганни хўзувланиб тасвирлайди. Афросиқ, бу иллат бугунги зинларларда ҳам буткул йўқолиб қатгани йўқ. Бундан бир неча йил аввал Москва-лик публицистлардан бири — Черныченко Россиядан Ўзбекистонга юборилган терговчилар дасантини «булар Ўзбекистонга вандон олинб боришида» деб таърифлаган эди. Демак, қала-мни ўқир, қишлоқ хўжалиги муаммоларини яқин билган уларни жасорат билан кўтариб чиққан бу публицист ўзбеклар-ни елпанга порлаҳур, ўғри, ви-ждонсиз деб билар.

Кишан қийма, бўйин эгмай! Ки, сен ҳам хўр туғилгансан! Озод ШАРАФИДИНОВ, профессор (ЎЗА).



## Ўтқир муаммо

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар кўлами чуқур илдириган сайин бу соҳадаги ютуқу камчиликлар ҳолисаниллоҳ баҳоланмоқда. Мавжуд муаммолар эса юзага қалқиб чиқиб, тешиши озғирлик ва идораларда уларни ҳал этиш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилишмоқда. Лекин киши дилини ранжитадигани шуки, айрим масъул мутахассислар ва қўйи бўғин раҳбарларининг совуққонлиги сабабли фаровонлиқни ошириш юзасидан тузилаётган режалар айрим ҳолларда барбод этилиб, бор имкониятлар бой берилмоқда. Қолоқлик сабабларини таҳлил этмаслик газак отаётган ярани кўриб-билиб туриб жайроҳатга айланганига сабабчи бўлишдек гап. Зеро, танқид аччиқ бўлса-да, унинг келажакда берадиган меваси шириндир.**

Чорвачилик хусусида бугун иккинчи фикр айтиш қийин. Нега? Чунки мол туғиш орттиш ўрнига қамайиб, гўшт ва сўт етиштиришда ҳам сурункасига орқага кетилмоқда.

Расмий маълумотларга қўра, ҳозир республикамиздаги мавжуд чорвачилик фермалари ва ихтисослашган хўжалиқларда бир миллиондан зиёд чорва моллари парвариш қилинаптир. Хўш, уларнинг маҳсулдорлиги қандай? Аҳолининг эҳтиёжини учун етарли гўшт ва сўт маҳсулдорлиги етиштириш имкониятлари мавжудми?..

Чорвадорлар «Сигирининг сўти тилида» деб, бежиз айтишмайди. Бизнингча, чорвачилик хўжалиқларидаги бугунги қолоқлик сабаблари ана шу наққунинг ҳаётийлигини керагича англамасликдандир.

Агротехнологиянинг айби билан тўртта вилоятда 8 минг тонна гўшт ва 63 минг тонна сўт етиштириш имкониятлари бой берилди. Бу вилоятларда сугорилмайдиган майдонларда озука экинлари етиштириш режаси барбод этилди. Оқибатда, Сирдарё вилоятида белгиланган топирикка нисбатан 4,2 минг гектар, Хоразм воҳасида 11,5 минг гектар, Қашқадарё вилоятида 13,4 минг гектар, Қорақалпоғистон Республикасида 32,8 минг гектар ҳам озука экинлари этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бир литр сўт етиштириш учун 1,6 озука бирлиги зарур. Бир йилда 2,5 тонна сўт берадиган сигирга тўрт тонна озука бирлиги жамғариш лозим. Хўш, чорвачиликнинг ана шундай

нозик жиҳатлари, ҳисоб-китобларига хўжалиқларда амал қилинаётми? Афсуски — йўқ!

Кўпгина хўжалиқлар ўтган йилнинг бошидаёқ экин учун энг қулай агротехник муддатларни сабабсиз кечиктириб юбордилар. Устига-устак, экинларни парваришда қондалари бузилди, бригада ва звенолар минерал ўғитлар билан керагича таъминланмади. Буларнинг ҳаммаси озука экинлари ривожига акс таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон шароитида бедалан 120—130 центнердан пичан олиш имконияти мавжуд бўла туриб, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиқларида бор-йўғи 49 центнердан, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида 68, Навоий вилоятида 73 центнердан ҳосил олинди, ҳолос. Зарбдор, Арнасай, Косон, Баҳористон туманларида эса беда ҳосилдорлиги 45—50 центнерга тушиб қолди. Биргина беда эмас, маккажўҳори ҳам ёлғизлиб ҳосил олинмади. Мўл озука берадиган бу экинлар Сирдарё вилояти хўжалиқларида 89 центнердан, Сурхондарёда 100 центнер атрофида, Бухоро, Жиззах, Фарғона вилоятларида силок учун 112 центнердангина кўк масса олинди, ҳолос. Ваҳоланки, бир гектар майдонда маккажўҳоридан 350—400 центнердан кўк масса олишни мумкинлигини бугун мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади.

Чорвачиликда яна бир тўғилми озука — лавага. Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда у ет ўрнига боса олади. Лекин бу борда ҳам

иккинчи фикр айтмаймиз. Чунки рақамлар кишини «чакаман», дейди: Қашқадарё, Жиззах, Навоий вилоятларида 140—170 центнердан, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалиқларида эса бор-йўғи 58

гектардан 6,1 тонна озука бирлиги олиниб келинган. Бу ҳар бир бедалога 5-6 марта ўроқ тушди, дегандир. Ламин ерлардаги бедалорлар эса гектарига 1,5-2 тонна озука бирлиги ҳажмида ҳосил беради.



## ОҚСОҚЛИКНИНГ САБАБИ

нтердан ҳосил олинганлиги ни нима билан изоҳлаш мумкин?

Иккинчи шароитимизнинг қулайлиги туфайли ота-боболаримиз шу заминда бедалан 5-6 ўрим, маккажўҳоридан 2 мартадан ҳосил олиб келишадиганини тажрибали деҳқонлар жуда яхши билишди.

Хўш, унда нега вилоятлардаги мавжуд бедалоқлар умри бекорга ўтаётми? Эки бугун экилган беда уруғи ўз ўтмишларидан тубдан фарқ қиладими? Аксинча, ҳар дам бизда сувли майдонларнинг

Республика хўжалиқларидаги айнан беда ҳосилдорлиги таҳлил қилинган рақамларга қараб, ҳайрон қолсан, киши. Сугорилмайдиган майдонлар билан лами ерлар ҳосилдорлиги деярли бир хил. Нега? Чунки маҳаллий агротехнология парваришда назоратсизлик оқибатида бедага ўроқ тушиб, кўриган пичан ҳафта-ун куллаб далада туриб қолапти. Янги майсалар уч бўғим микрорайон етганда ҳам хўжалик раҳбарларининг «қатинг ачимаяпти», Оқибатда, ўнлаб гектардаги майсалар сувсизлик туфайли

ривождан қолиб, ҳосилдорлик пасайиб кетмоқда. Бундай ҳолатларга маҳаллий раҳбарларда жавоб тайёр: «техника етишмаяпти», «ёқилги йўқ».

Бугунги яна бир иллат — таъбир жоиз бўлса, ўнг кўзимиз чап кўзимизни алдәтгандир. 1995 йилги галла ўрми тугатган кезларда ҳосилдан бўшаган майдонларга озука экинлари экилаётгани ҳақида юқори идораларга маълумотномалар берилди. Аммо қишлоқ бошланган дастлабки ойларидаёқ бўлганнинг иши чиқиб қолди. Чунки, Пахтақор, Ҳузур, Қамаш, Музробот, Шўрчи,

тиб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши.

Вақтида агротехник тадбирлар ўтказилмагани, хўжалиқларда бригада ва пулратчиларга етарли миқдорда минерал ўғитлар етказиб берилмагани боис ҳосилдорлик пугур етди.

Пастларом туманидаги маккажўҳори экилган майдонлардан бор-йўғи 6 центнердан, Гузалкентда 10 центнердан, Оқолтин туманида 28 центнердан ҳосил олинди. Аслида, буни ҳосил деб ҳам бўлмайди.

Жиззах вилояти хўжалиқларидаги 2,4 минг гектар майдонда, Тошкент вилоятидаги 2,5 минг, Сурхондарё вилоятида 4 минг, Фарғона вилоятида 5,8 минг, Самарқанд вилоятида эса 7 минг гектар ердаги такрорий экилган маккажўҳоридан бир тоннадан ҳам ҳосил олинмади. Бу майдонларга сарфланган ишчи кучи, енгил, энг асосийси, сара уруғ ва ниҳоят давлатнинг минг-минглаб сўми увор кетди. Бу фактларни бекорга келтиришганимиз йўқ.

Уларнинг салбий оқибатлари 1995-96 йил қишлоқ даврида ўз «кучини» кўрсатди. Тўғилми озука бўлмаганда талай хўжалиқларда чорва нобудгарчилиқга йўл қўйилди.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган режага қўра, бу йил бошқоти дон экинлари ўриб олинган, 20 июндан 15 июлгача республика бўйича жами 463 минг гектар ерда такрорий озука экинлари экилиши кўзда тутилмоқда. Асосий майдонларга маккажўҳори, пингбақор, қандли оқжўҳори экилади. Шунингдек, 143 минг гектарга трирекали, кент барғи сули, перко, хашаки нухат уруғи сепадилади. Агар ҳар гектар ерда 10—70 килограмм атрофида мазкур экинлар уруғи талаб этилишини ва булар давлатга текнота тушмаслигини ҳисобга олади-ган бўлса, ўтган йилги хатоларни такрорлаш, инсофли, диднатли кишининг иши эмас-

лиги ойдин бўлади.

Бугун чорвачилик секторининг «десинини»дан чиқолмаётганига яна бир сабаб — мавжуд ёғ-мой комбинатларидаги гирромликлардир. Навоийлик уч-тўрт чорвадор билан суҳбатлашиб қолдик. Фирондан ўт чиқади уларнинг.

— Булар қачон халқнинг ҳақидан кўрқаркин? — дейди чорвадорлардан бири. — Ун тонна шелуха олса, ярми сув чиқаяпти. Уни олиб бориб, куритиб, увол қилмай, молга едиргунча она сутимиз оғзимдан келаяпти.

Ёғ-мой комбинатларидаги бундай «тадбиркорлик»лар ҳақида олдин ҳам кўп эшитгандик.

— Нега директорга эътироз билдирмадингизлар? — дея сўрайман улардан.

— Эътироз билдириб кўринг-чи, иккинчи мартаба шелуха олармикансиз!..

Ёғ-мой комбинатларидаги бундай гирромликлар касри, афсуски, яна чорва моллари маҳсулдорлигига уряпти. Заводдан 20 тонна бўлиб чиққан шелуха хўжаликда куритилганда 15 тоннага айланган, сут ва гўшт пасаяди-да!

Яна бир муаммо — хўжалиқларда ёз ойлари қишлоғга ем-хашак жамғариш, дағал-хашак тўплаш тадбирларига эътибор йил сайин сусайиб бораётганлигидир. Жойлардаги хўжалиқлар раҳбарлари, ҳокимликлар ўз имкониятлари даражасида иш юритмас эканлар, албатта, улар ўйлагандек чорва озукаси осмондан чалмак бўлиб ёғилмайди. Бунинг учун тадбиркорлик, фидоилик, ҳақдорлик талаб этилади. Бу сифатлар мужассам бўлган жамоада эса кўт-баракча бўлади.

Иймолли раҳбар, мутахассис, борингчи, чорвадор ҳеч қачон ёлгонга оғиз оймайди, қинир ишта қўл урмайди.

**Шодёр МУТАҲАРХОН** ўғли, «Халқ сўзи» газетасининг чорвачилик мажмуи бўйича шарҳловчиси.

## ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ, АЗИЗ ГАЗЕТАХОН!



Янги ҳамият куриш мамлакатимизда ҳамма соҳалар, жумладан, журналистикада ҳам туб бурилишни тақозо этади. Бу борда «Халқ сўзи» жамоаси ҳам қатор режалар тузди. Аммо азиз газетохонларнинг фикрию тақлифлари ушбу режаларни янада тўлдиришига ишончимиз комил. Худди ана шу мақсадда сизлар билан кичик бир «сўров» ўтказишга жазм қилдик. Ўйлаймизки, унинг саволлари сизларни лоқайд қолдирмайди.

1. Сиз «Халқ сўзи»ни қачондан буён ўқийсиз? Унга обунамисиз ёки киоскадан сотиб оласизми?
2. Газетада чоп этилаётган қайси мақолалар сизга маъқул ва нимаси билан?
3. Мақолаларнинг мазмуни, услуби, савияси ҳақидаги фикрингиз.
4. Газета орқали машҳур кишиларнинг қайсилари билан учрашни хоҳлайсиз?
5. Сизнингча, қайси мавзулар редакция диққат марказидан четда қолаётти?
6. Газетанинг савиясини янада кўтариш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?
7. Қайси мавзулар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиради деб ҳисоблайсиз?

**Хатларингизни кутамиз. Улар, албатта, газетани янада мазмуни, ранг-баранг, қизиқарли бўлишига ёрдамлашади, деб умид қиламиз.**

## НАҚД ПУЛА «ҚУРУҚ ВАЪДА»

Мен Пахтачи туманидаги чорвачилик билан шуғулланаётган «Зарбулоқ» ҳиссасдорлик уюмисига аъзолари номидан мактуб йўллабман.

Бизлар 1995 йил 7 июль кунини Қишлоқ хўжалик вазирлигига шелуха сўраб хат ёдик. Вазирлик 50 тоннага рўхсат берди. Рўхсатнома билан «Ўзгемма» таъминотида уюмисига бордик. У ердан Каттақўрғон ёғ-мой комбинатига наряд билан жўнатишди.

Комбинатта сўраган маблагини тўлдик. Аммо унинг раҳбарияти шелуха беришни ҳўназича талбатганда, биз нақд пулга «қуруқ ваъда»дан бошқа нарсани олмаймиз.

**Н. НОРЕЎТАЕВ,** Самарқанд вилояти.

## ЕМАГАН СЎМСАГА...

1995 йилнинг декабрь ойида телефоним ишламай қолди. Авваллари кимдир сўм қоқиб, сизга фалон кўнча муҳлат, қарингизни тўламайсиз, деб қўямиз, деган мазмунда оғоҳлатишарди.

Ушбу қўйнимасини деган мақсадда 1996 йил учун ҳам тўлаб қўйганим. Энди ушунга, деб бемалол юрганим, афсуски, январ ойининг ўрталарида бутунлай ишламай қолди. Яна югур-югур, оворагарчилик бошланди. Ўзимизга қаршилик АТСга бориб учрадик, у ердангилар шаҳарларга АТС узатиш, ўша ёқда бориш, дейишди. Бордим. Бир неча йилдан бери вилоятлар билан гап-

лашиб, телефон ҳақини тўламаган экансиз, деб, 3-4 та кўнчанинг ёниб бериши. Мен ҳеч ким билан гапшаймаганим, вилоятларда на қўрилош-уруғим ва на таъинишларим бор, десам гапимни эшитишмади ҳам...

**М. ҒАФУРОВА,** Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25-уй.

## РОҲАТИНИ ҲАМ КЎРСАК ДЕЙМИЗ

...Ўтган йили тилла қурти қоқиб, хўжаликка топширдик, бироқ ҳақини ҳалигача ологанимиз йўқ. Шунингдек, болаларимиз учун тўланадиган нафақа пуллари берилмапти. Бир ойлик тереган пахтанинг ҳақи ҳам қўйимизга тегмади.

Қилган меҳнатимиз далада қолиб кетмасдан роҳатини ҳам кўрсак деймиз. Янги сайланган раисимиз эса пахтанинг пули банкдан олиниб, иш ҳақи қилиб берилган дейди. Қўнж, бошқармага муш сифатида берилган пуллар бизга берилмайдими?

**И. МАМАТОВА,** Мирзобод тумани, «Оқ олтин» жамоа хўжалиги (жам 7 июль).

## БЕКАТ БЕКАТДЕК БЎЛСИН-ДА!

Салкам 130 миң кишилик аҳолиси идораси Жиззах шаҳрининг серкатинос Навоий ва Қўнжов қўчалари туташган жойда «Кўнжобор» номи дарҳон бозори бор. Унинг дарҳонси оидида автобекат жойлашган.

Бу ердан шаҳарнинг турли бекатларига қатновчи рейслар жўнайдилар. Аммо бекат айвони тўлиқ ёпишмаган. Қўнжнинг қўр-ёнгирли қўчаларида автобус кўнчи азобга айланади. Шуниси ачинарлики, бекатда йўловчиларнинг ўтиришлари учун лоқайд бирорта ўриндик қўйилмаган. Торт жойда томоша деталаридек, бекат айвони остига тижорат қўнжлари турнақатор қўлиб жойлаштириб қўйилганки, ушбу ҳол шўбаёқ, соҳилчиларни янада нуқадий аҳволга солиб қўймоқда.

**А. ИМОМОВ,** Садовая кўчаси, 26-уй.

## БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА...

Ушбу мақтубини ёзишимизга сабаб кейинги тўрт йил мобайнида қўчаларимизда эса таъминотишнинг ниҳоятда ёмонлашганидир. Ҳар йили ноябрь ойининг бошларида ўчган газ март ойининг охирига келиб ёнади.

Маҳалламиз аҳолиси туман газлаштириш идораси, туман ва шаҳар ҳокимлиқлари бир неча бор мурожаат қилдилар. Кейинроқ 1995-96 йилларда газ таъминоти яхши йўлга қўйилди, ҳеч қандай узилтиш бўлмади, деган гаплар Чортоқ туман газетасида ҳам ёзилди. Бундан табиийки, бошимиз осмонга етди.

Аммо қўнғонимиз узоққа чўзимайди. Яна ўша эски тос, эски ҳаммом, деталаридек, ноябрь ойининг бошларида газ ўчди. Туман газлаштириш идорасидан мутахассислар «Сизларнинг маҳаллингиз учун янги газ таъминоти ўрнатилиши керак», дейишди. Маҳалла аҳли югуриб-егиб, пул тўлаб янги газ таъминоти ҳам сотиб олди. Янги ускуна ўрнатилди, бироқ унинг газ узатишлари на фойдаси ва на зарари тегмапти.

Чортоқ шаҳрининг ўртасидан Чортоққой охири ўтади. Шу ойининг икки томонида аҳвол икки хил: бир томонида газ таъминоти яхши, иккинчи томонида эса бунинг акси!

**Т. РАҲАБОВ,** А. ТИЛЛАБОВ, Наманган вилояти (жам 32 июль).

## ИЖОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўтқир Рашид ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга. Унинг «Умр қўшиқлари», «Гулаш диверим» шеърини тўламли, қатор ҳикоялари, очерклар, кўнгина пьесалари ўқувчиларнинг маънавий оламида бойиштиришда катта роль ўйнайди.

У унинг ижодий фаолиятини педагогика билан ҳамбарчас болаб, 50 йил даврий Илғимий номли Тошкент давлат пединститутини талабхона билан берган. Кўн-кеча ана шу олий ўқув юртида Ўтқир Рашид таваллудининг 80 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда олим ва шоирнинг ҳамкасблари, шогирдлари ва талабалар қатнашдилар.

Ўтқир Рашид яхши ижодкор, яхши инсон эди, — дейди олим Тўхта Бобоев. — У унинг асарлари ва дилкаш суҳбатлари билан биз биримизнинг қалбимиздан мустақкам ўрин олган. Шоирнинг айтмас, миллий болалар адабиёти ҳақида қайғурини, шу жанрнинг тарвақий эътирини, халқ орасида тартиб этиш, ёш авлоднинг ўстиришига сарфлаган меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эга.

Конференцияда сўзга чиққан қатор олимлар, талабалар ҳам Ўтқир Рашиднинг хотираси ҳамisha қалбларда барҳат эканлиги ҳақида гапирдилар. Кеча давомида шоир шеърлари билан айтайдиган қўшиқлар янгради, ижодидан намуналар ўқилди.

**Г. ҲУСАНОВА.**

Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб электрэнергияга тўлов таърифи ўзгарди. 1 киловатт-соат электрэнергия янги таъриф бўйича 1 сўм 25 тийин.

Қарздор фуқаролар 15 апрелга қадар эски таъриф бўйича тўлашлари мумкин. Алоҳида энгилликка эга бўлган фуқароларнинг имтиёзлари сақланиб қолинади.

**ТАШКИЛОТ, КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА** 1 апрелдан бошлаб электр энергиясининг нархи янги таъриф бўйича тўланади. Янги таърифта қўра 1 киловатт-соат электр энергияси қуйидагича баҳоланади.

Биринчи гуруҳга кирувчи ташкилотлар учун	— 1 сўм 61 тийин
(1 киловатт энг кўп қуланиш учун — 1 йилга 3458 сўм)	
Иккинчи гуруҳга кирувчи ташкилотлар учун	— 2 сўм 68 тийин

Учинчи гуруҳ	— 1 сўм 40 тийин ва 1 сўм 20 тийин
Тўртинчи гуруҳ	— 1 сўм 75 тийин
Бешинчи гуруҳ	— 1 сўм 75 тийин
Олтинчи гуруҳ	— 2 сўм
Еттинчи гуруҳ	— 5 сўм
Саккизинчи гуруҳ	— 6 сўм 35 тийин.

Ўз вақтида тўла бўлмаган тўловлар юзасидан тушунмовчиликлар бўлмаслиги учун мавжуд қарзларингизни тўлашларингизни сўраймиз.

Республика иттисолашган акциядорлик-тижорат банки «Ғаллабан» жамоаси банкнинг масъул ходими Шаҳзода Баҳромовна Мирҳабибовна волидан муҳтарамаси Қарима я ЮСУПОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Патхулла ИСМАТУЛЛАЕВ, Тошкент кимё-технология институтини профессор, республикада хизмат кўрсатган илтироқи.

## Маҳаллалар ҳаёти

### ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛТИРИЛДИ

Янгийўл пахта тозалаш корхонаси ва ёғ-мой ҳиссасдорлик жамияти раҳбарларининг ҳамийлиги билан тумандаги Назарали Нийзов номи жамоа хўжалигининг Минг-бойтепа маҳалласига кўвурлар ётқизибли, об-ҳаёт келтирилди. Натҳада 80 дан зиёд хонадон тоза ичимлик сувида баҳраманд бўлди.

Мазкур юмуш ҳашар йўли билан амалга оширилди. Унда маҳалладан 50 нафар киши қатнашди.

### ГУЗАР ИШГА ТУШДИ

Янгийўл туманининг «Намуна» маҳалласида янги гузар ишга туширилди. У ерда чойхона, тижорат дўкони, гўшт растаси, алоқа бўлими, пойбозал тузатиш устaxonаси, автомашиналарга техник ҳадада маший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Бу ишларга «Намуна» маҳалла кўмитаси раиси Абдуқарим Абдурахмонов, унга қўмақдош М. Тожибоев, Б. Исамуҳамедов, Т. Муҳамедов сингари маҳалла фаоллари бош-қош бўлдилар.

Саломат ТОЖИБОЕВА, Янгийўл тумани.

## «Осийёкурортсервис» фирмаси пул ўтказиш йўли билан қуйидаги сикатгоҳларга йўлланмалар ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

- ўйиб ўрнатилмаган кулфлар.
  - насасияжлар
  - асбоблар йиғмаси
  - ошхона табуреткалари
  - илгичлар
- Бизнинг манзил: Мустақиллик майдони 5 (Ўзбекистон ХЛП вилояти кўмитаси биноси, 4-қават, 36-хона. Телефон: 39-16-77, факс — 39-18-27.

Ўзбекистон Республикаси сикатгоҳларига (шу жумладан) «Хумсон» — юрак-асаб, нафас олиш органлари касалликлари билан хасталанганлар учун.

- «Семур» — жигар, ўт қони, қанди диабет касалликларини билан хасталанганлар учун. Трусковецкадаги «Нафтусия» минерал сувига ўхшаган минерал сув бор.
- «Занги-Ота» — ошқозон-ичак касалликлари билан хасталанганлар учун.
- «Янгийўл» — юрак-асаб касалликларини сикатгоҳи.
- «Чинобод» — ошқозон-ичак, юрак-қон-томир касалликларини билан хасталанганлар учун.
- «Навбахор» — кўптармоқлик сикатгоҳ (сауна), қишқи ҳовуз, бильярдхона бор).
- «Турон» — юрак касалликларини билан хасталанганлар учун.
- «Чимё» — кўп тармоқлик сикатгоҳ ва бошқалар.

МДХ мамлакатлари сикатгоҳлари (шу жумладан: Кисловодск, Ессентуки, Трускавец) ҳамда тоғда жойлашган «Чимган» т.к.да дам олишга (3,5,10 кун) таклиф этамиз. Шунингдек, қуйидаги молларни сотамиз:

- махерли простина (160х200)
- махерли сочиқлар
- чинни идишлар
- телефон аппаратлари



# Ўғирланган кўзгү парчалари

(Иккинчи мақола)

**Аждодларимиз томонидан яратилган бетакрор санъат ва маданият дурдоналарининг кўпчилиги қисми Британия музейида сақланади. Жумладан, 1497 йида Хусайн Бойқаро учун металлдан ишланган кўзача ва Мирзо Улугбекнинг номи ўйиб ёзилган нефрит қаҳақ музейининг энг ноёб буюмларидан.**



Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ташаббуси

Кўзачада йили (903 хижрий) кумуш хал билан ноҳик араб хат-тотлигида битилган ва чиройли нақшланган. Бостон музейида эса 1396 йилда уста Ризо Али ўғли ясаган бир қанча рўзгор ашёлари: патик, қадаҳлар, гўлдоқлар, кўзалар, сибдон ва қалит сақланади. Уларга тилла хал билан кумушдан нақш берилган. Шотландиянинг Единбург кўрал музейида 1444 йилда Машҳада ясалган сопол тўқдон. Римнинг Шарқ санъати миллий музейида сополдан ишланган 2 та кўзача мавжудки, улар шунданки буюм эмас, балки ҳақиқий санъат намунаси сифатида нодир ашё ҳисобланади. Булардан ташқари узук, биллакук, медалъон каби аёллар тақинчоқлари, муҳр, личок, қилич, ханжар дасталари каби қимматбаҳо заргарлик буюмларидан беҳисоб ташиб кетилган. Улар турли музейларни бебаҳо туриди. Бундай бетакрор санъат ёдгорликлари ҳатто Америкага етиб борган.

Кўзачада йили (903 хижрий) кумуш хал билан ноҳик араб хат-тотлигида битилган ва чиройли нақшланган. Бостон музейида эса 1396 йилда уста Ризо Али ўғли ясаган бир қанча рўзгор ашёлари: патик, қадаҳлар, гўлдоқлар, кўзалар, сибдон ва қалит сақланади. Уларга тилла хал билан кумушдан нақш берилган. Шотландиянинг Единбург кўрал музейида 1444 йилда Машҳада ясалган сопол тўқдон. Римнинг Шарқ санъати миллий музейида сополдан ишланган 2 та кўзача мавжудки, улар шунданки буюм эмас, балки ҳақиқий санъат намунаси сифатида нодир ашё ҳисобланади. Булардан ташқари узук, биллакук, медалъон каби аёллар тақинчоқлари, муҳр, личок, қилич, ханжар дасталари каби қимматбаҳо заргарлик буюмларидан беҳисоб ташиб кетилган. Улар турли музейларни бебаҳо туриди. Бундай бетакрор санъат ёдгорликлари ҳатто Америкага етиб борган.

Туркистоннинг Чор Россияси томонидан истило қилиниши бу жарафани ноҳик дурдонага айлантирди. Энди бойликлар дарё бўлиб оқа бошлади. Бу масала бўйича шуғулланувчи маслаҳатчиларга генерал-губернатор раҳбарлик қилди. Таниқли шарқшунос олимлар осори-атиқаларини ўрганишга жалб этилди. Турли жамиятлар никоҳи остида иш қўрган, араб, форс, турк тилларини мукамал эгаллаган илмий ҳодимлар эса ёдгорликларни Петербургда жўнатиб турган. Бу талончилик ишига баъзи маҳаллий кишилар, бойлар ҳам оҳангс равишда иштирок этганлар. Улар ўзлари узок йиллар давомида тўплаган нодир буюмларини «Бу ерда йўқлиб кетди», деган сохта ташвиқотга ишониб Россияга жўнатаверганлар.

Талончиликнинг авж олишида айрим «фидойи» кишиларнинг алоҳида ташаббуслари жуда асосли. Айриқ шарқшунос олим Н. Веселовскийнинг мунтазам ва узок муддатга Туркистонда илмий изланишлар олиб бориши Петербургда музейларни бениҳоя бойитди. У, айниқса, Темур ва Темурийлар даври бойликларини Эрмитажга юборилишида фаол бўлди. Унинг ҳаракати билан 1895 йилда Гўри Амир макбарасининг нафис беазили нақшинок эшиги Петербургда жўнатилади. У ҳо-

# ИЛМ ЙЎЛИДАГИ УМР

Олимларимиз

**Фалсафа фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби Омонулла Файзуллаев фан тарихи, методологияси ва маънавий, табиётшунослик ва техника фалсафаси муаммолари бўйича етакчи олимдир.**



У илмий-техника ахборотлари институтининг (Ўзбекистон Республикаси Фан-техника давлат кўмитаси илмий-техника ахборотлари давлат фонди) биринчи директори бўлган. Бугунги кунгача Ўзбекистон Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида бош илмий ҳодим бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг 300 дан зиёд илмий ишлари, жумладан, «Урта Осиё табиёт ва фалсафа классиклари асарларида зиддиятлар муаммоси», «Инсон ва табиат», «Муҳаммад ал-Хоразмий», «Табиётшунослик ва фалсафа» каби қатор асарлари босилиб чиққан. Олимнинг илмий ишлари педагогик фаолияти билан узвий боғлиқ. Файласуф-олимнинг ил-

мий изланишлари хилма-хил ва сермазмундир. У илк бор физикадаги «инерция» тушунчасини ривожлантириб, фалсафий категория даражасига олиб чиққан ва «ижтимоий инерция», «тафаккур инерцияси» тушунчаларини фалсафага киритиб, уларнинг фанга мазмунини очиб берган. Шунингдек, Марказий Осиёда ўтган мутафаккирларнинг жаҳон фани тараққиётига қўшган ҳиссаларини фалсафий таҳлил этиш асосида ҳозирги замон фанларида кенг қўлланилаётган «алгоритм» атамасининг Мусо ал-Хоразмий номидан келиб чиққанини таҳқиқ қилган. Олимнинг илмий ишлари педагогик фаолияти билан узвий боғлиқ. Файласуф-олимнинг ил-

таҳлил қилди, асарларини нашр этишда фаол қатнашди. Унинг маънавий соҳасидаги тадқиқотлари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, мутасаввуф-файласуфлар Шайх Умар Суҳраварди — Шайх Зайниддин Болларнинг насаб шажараларини тиклаш, тасаввуф билан боғланган Шарқ фалсафий ғояларини таҳлил этиш борасидаги тадқиқотлари жиддий аҳамиятга эга. О. Файзуллаев динамика системаларининг ички ўз-ўзидан ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиб, шогирдлари билан биргаликда бу концепциядан «организм-муҳит», «инсон-табиат», «инсон-инсон», «инсон-жамият», «инсон-қонинот» системаларини тадқиқ этишда самарали фойдаланди. Кейинги пайтда Ўзбекистонда фундаментал ва амалий

фанлар соҳаларида қўлла-нилаётган тадқиқот методларининг хусусиятларини ўрганишга оид иш олиб бормоқда. Айни пайтда табиётшунослик ва техника тарихи ҳамда фалсафа бўйича Ўзбекистон Фанлар академиясидаги кенгашининг раис муовини, Фалсафа фанлари бўйича республика мувофиқлаштириш кенгаши раиси ва Фалсафа жамиятининг бюро, докторлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш аъзосидир. У Олий аттестация қўмитаси ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Бахтиёр КАРИМОВ, профессор,  
Бахтиёр ТУРАЕВ, профессор.

## Спорт

**«Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари тўғрисида таҳқиқотчи чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилингандан буюн икки ой ўтди. Ана шу қисқа давр ичида Жиззах вилоятида мазкур соҳада анчагина ишлар амалга оширилди.**

Ушбу тадбирларга кўра футболни клуб асосида ривожлантириш мақсадида намунавий низом ишлаб чиқилди ва у рўйхатдан ўтказилди. Барча шахар ва туманларда биттадан, яъни ўн иккита команда шакллантириш ниҳоясига етказилди. Жиззах шаҳридаги халқ таълими бўлимига қарашли футбол-спорт мактабини ўсмирлар футбол — интернатга айлантириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Молия ва солиқ бошқармаси биргаликда Жиззах футболни ривожлантириш фаол кўмаклашадиган ҳимоятчи ташкилот ва корхоналар учун солиқ ва бошқа имтиёзлар тизимини ишлаб чиқди. 1998 йилда вилоят марказий стадионини тўлиқ ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш ниятида бу ҳудудга очик турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этиш дастурини спорт қўмитаси Давлат мулкисини бошқариш ва таъбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси кўмагида тайёрламоқда. Шу дастур доирасида марказий стадионни мустақиллигимизнинг беш йиллиги кунигача мукамал таъмирлаш зарур, деб топилди. Бунинг учун вилоят

ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси буюртмасига кўра мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бошқармаси «Жиззахсувқурилиш» трести

Темур таваллудининг 660 йиллиги шарафига старт олган вилоят спартакиадасининг дастлабки босқичига яқун ясалди. Шоҳмат ва волейбол беллашуварларида Жиззах шаҳри, Зомин, Зафаробод, Мирзачўл туманлари қатнашган спортчилари яхши тайёрликларини кўрсатиб, соҳибдорлик уринларини эгалладилар. Дастлабки яқунлар ишун қўрсатдики, қишлоқларда спортни, айниқса, футболни ривожлантиришга бирек мусоабат сезилмапти. Спартакиаданинг биринчи босқич мусоабаларида Арнасой, Бахмал, Дўстлик туманлари спортчиларининг ҳеч бир асосий қатнашмаганликлари бунинг далилидир. Вилоят ҳокими қарорида шу йилнинг биринчи апрелига туманлардаги стадионларни тўлиқ реконструкция қилиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш қўрсатилган бўлса-да, бу ҳудудларнинг ҳали кўп жойларда ҳўжаликлар, ташкилотлар ва мактабларга тегишли футбол майдонлари атрофи ханузгача ўраб олинмаган, янтоқ босиб ётибди, томошанин урин-жойлари таъмирловга муҳтож.

Ҳ. НАБИРАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Қарор ва ижро



Ушбу тадбирларга кўра футболни клуб асосида ривожлантириш мақсадида намунавий низом ишлаб чиқилди ва у рўйхатдан ўтказилди. Барча шахар ва туманларда биттадан, яъни ўн иккита команда шакллантириш ниҳоясига етказилди. Жиззах шаҳридаги халқ таълими бўлимига қарашли футбол-спорт мактабини ўсмирлар футбол — интернатга айлантириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Молия ва солиқ бошқармаси биргаликда Жиззах футболни ривожлантириш фаол кўмаклашадиган ҳимоятчи ташкилот ва корхоналар учун солиқ ва бошқа имтиёзлар тизимини ишлаб чиқди. 1998 йилда вилоят марказий стадионини тўлиқ ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш ниятида бу ҳудудга очик турдаги акционерлик жамиятлари ташкил этиш дастурини спорт қўмитаси Давлат мулкисини бошқариш ва таъбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси кўмагида тайёрламоқда. Шу дастур доирасида марказий стадионни мустақиллигимизнинг беш йиллиги кунигача мукамал таъмирлаш зарур, деб топилди. Бунинг учун вилоят

жамоалари бош ва ёрдмчи пудратчилар сифатида алдақачон техник лойиҳалашни бошлаб юбордилар.

«Жиззахсувдо» концерни, матбуотчилар уюшмаси, халқ таълими бошқармаси буюртма асосида футбол кийимлари тикиш, спорт ағзалари билан таъминлашга киришилди. Вилоят спортчиларининг бу йилги республика мусоабаларида қатнашуви ва вилоят мусоабаларини ўтказиш календарий иш режаси тасдиқланди. Бу тадбирларга кетадиган сарф-харажатлар учун маҳаллий бюджетдан олти юз қирқ минг сўм маблағ ажратилди.

Ҳозирги кунда республика мустақиллигининг беш йиллиги, соҳибқирон Амир

## СОҲИБҚИРОН НОМИ БЕРИЛДИ

Кўрпк Эллиққалта туманидаги боғанича боғи бундан буюн буюк бобомиз Амир Темур номи билан аталди деган бўлди. Қадимий Каватқалта атрофидаги 40 гектар майдонни эгаллайдиган бу боғда мингдан ортиқ дархат ва гул қўчалари Устиришмоқда.

**«Ўзқурилишматериаллари» концернининг Қошқўйр қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қўйи корхонаси ҳисобидаги «Ўзпахтасаноатсотиш» акционерлик уюшмаси томонидан чиқарилган умумий нархи 55 миң сўмлик қўйдаги векселлар йўқолиши мусоабати билан ўз қучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайдиган:**

- Серия № ПС-001 0008637 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0034029 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0051150 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0004256 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0034215 қиймати — 5 миң сўм;

- Серия № ПС-001 0000581 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0072493 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0034216 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0051173 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0030663 қиймати — 5 миң сўм;
- Серия № ПС-001 0026596 қиймати — 5 миң сўм;

«Пахта-банк» векселлари ва пул ўтказиш йўли билан қўйдаги қўйи хариб қилиниши мумкин: сутни қайта ишлаш, жўхори қаламчалари, целлофан пакет ишлаб чиқариш кичик цехлари, тегиримонлар, тракторлар ва эҳтиёт қисмлар, совутич, телевизор, озик-овқат маҳсулотлари, «ЛАКТАН 1-4» сут ёғини ўлчаш асбоби, ишчилар маҳсул қийимлари, туқилган пахта ни териб йиғувчи «Киргизистон» машинаси, ип йиғирини ускунаси.

Манзилимиз: Тошкент ш. Нақошлик кўчаси, 2-уй (Чилонзор метроси, кўрак хирургия институтини қаршидаги кўча) Тел.: (3712) 79-18-30, 79-24-40

## «КОМПЬЮТЕР-ОСИЁ» ИЛМИЙ-ТЕХНИК ПАРКИ

қўйдаги лицензияли программ маҳсулотларини тақлиф этади:

- «ЛЕКСИКОН-ЎЗБЕКИСТОН» ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларидаги матнлар таърирлашчи.
- Ўздор мусоабатларида оид атамаларининг ўзбекчарусча ивонхал электорн лувати.
- Вузгаалтерияга оид программалар.
- Ишлаб чиқаришни автоматизациялашга бошқариш тизимлари.
- Табиётда ва технологияни лойиҳалашда фойдаланиладиган интеллектуал-эксперт тизимлари.
- Computer Associates фирмаси маҳсулотлари.

Тел.: 41-03-61, 62-87-31, факс: 1996 йил 10-12 апрелда Фарғона шаҳрида ўтказиладиган кўрғазмада нархлар 20 фоиз арзонлаштирилади.

## РЕСПУБЛИКАМИЗ НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ РИВОЖИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? БИЗГА ИШГА КЕЛИНГ!

**«Махсусэнергогаз» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти юқори малакали мутахассисларини доимий ишга тақлиф қилади:**

- назорат-ўлчов асбоблари ва автоматикасини соловчи муҳандислар;
- электротехника ускуналарини соловчи муҳандислар;
- иссиқлик техникиси ва газ ускуналарини соловчи муҳандислар;
- назорат-ўлчов асбоблари ва автоматикаси чилангари;
- ўрта ва кам қувватли қозонхона агрегатлари ва ёрдмчи ускуналарини таъмирловчи чилангари;
- IV-VI разрядли газэлектрпайвандчилар;
- электротехника ускуналарини соловчи электромонтерлар.

**Иш вахта усули билан қўйдаги объектларда:**

- Муборак, Шўртон ва Газли шахарларида «Муборакгаз» газ конлари бошқармаси;
- «Шўртонгаз» ГКБ;
- Муборак газни қайта ишлаш заводи;
- «Газлитрансгазказибчиқариш» ишлаб чиқариш бошқармасида олиб борилади.

**Очик турдаги ҳиссадорлик жамияти вахта вақтида юқори ҳақ, мукофот, ишдаги юқори кўрсаткичлар учун махсус қўшимча ҳақ, текин овқат ва яхши ётоқхонани кафолатлайди.**

**СИЗНИ КЎТАМИЗ!**

Манзилимиз: Тошкент ш., 700007, Х. Абдуллаев шоҳқўчаси-32а, кадрлар бўлими, тел.: 67-36-62. Фарғона ш., Б. Мақсумов кўчаси, 19, тел.: 43-766, 44-770. Самарқанд ш., Улугбек кўчаси, 111-уй, тел.: 63-781, 62-994.



**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодий 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туғил муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вахтёр 33-10-60

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Набатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов, Набатчи — Ф. Сапаев.